# ЛОЙИХА ИШЛАРИ ПУДРАТИ ШАРТНОМАСИ
## №-Л-5

Урганч шахри 2022 йил «15» апрель

Келгусида «Буюртмачи» деб номланувчи "Хоразм минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати" Давлат унитар корхонаси номидан Низом асосида иш юритувчи директор **Р.Рўзимов** бир томондан, келгусида «Лойихачи» деб номланувчи "YO'L-LOYIHA BYUROSI" МЧЖ Хоразм филиали номидан иш юритувчи директор Б.Машарипов иккинчи томондан, хамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги ПК-172-сонли карорига асосан "Урганч шахар Шодлик МФЙ А.Ибрагимов кучаси,Сохил (А.Ибрагимов) 4-5-6 йулак кучаси,Сохил (А.Ибрагимов) кучаларини богловчи,Махтумкули 2-йулак,Э.Рахимов 1-2-йулак,Э.Рахимов,кадрият,кучалари ички хужалик йулини жорий таъмирлаш" объектига лойиха-смета хужжатларини ишлаб чикаришни шартномани тузди̇лар.

**1. Шартноманинг мазмуни**

1.1. Лойихачи Буюртмачининг лойихалаш топшириғи бўйича ишчи лойиха-смета хужжатларини ишлаб чикиш мажбуриятини олади.

1.2. Буюртмачи лойиха-смета ишларини бажариш учун топширик бериш, зарур бўладиган бошланғич маълумотларни бериш, бажарилган ишларни қабул қилиб олиш, белгиланган тартибда ва микдорда хақини тўлаш мажбуриятини олади.

1.3. Лойихачи кўрсатиб ўтилган ишларни «Корхона, бино ва иншоотлари лойиха смета хужжатларининг таркиби, ишлаб чиқиш тартиби ва тасдиқлаш» хақидаги 1.03.01-03 ШНҚ қоида ва қўлланмалари ва мазкур шартноманинг хужжатларига асосланиб бажаради ва тугаллайди.

**2. Ишларни бажариш муддати**

2.1. Лойихачи ишларни дастлабки аванс тўлови амалга оширилган кундан бошлаб бажаришга киришади.

2.2. Мазкур шартномада ЛСХни тайёрлаш муддати, ишлар бошланган кундан бошлаб _20_ кун этиб белгиланади.

2.3. Буюртмачи томонидан топшириқ, бирламчи маълумотларни бериш ва Лойихачи томонидан Буюртмачининг топшириғи бўйича иловадаги кўчаларни ишчи ЛСХ хужжатларини (топологик сёмка, курилишни ташкил этиш лойихаси) ишлаб чиқиш, амалдаги тартиб қоидалар бўйича топшириш муддатларини томонлар календар жадвалда белгилайдилар ва у шартноманинг ажралмас қисми хисобланади.

**3. Шартнома бахоси.**

3.1. Мазкур шартнома бўйича Лойихачи томонидан бажарилган танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори *(2022 йил «13» апрелдаги № 15489 сонли баённома)* билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва ККС билан жорий нархларда 48 500 000 *(кирк саккиз миллион беш юз минг)* сўмни ташкил этади.

**4. Тўлов шартлари.**

4.1 Шартномада миллий валюта «сўмда» ўзаро хисоб-китоб қилиниши белгиланади, тўловлар тўғридан-тўғри Лойихачи хисоб рақамига пул ўтказиш орқали амалга оширилади.

4.2. Мазкур шартнома бўйича мақсадли аванс, ишлар умумий қийматининг **30 фоизини** ташкил қилади ва шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичида тўлаб берилади.

4.3. Буюртмачи мазкур шартномада белгиланган ишлар тўлалигича бажарилиб, хажми, сифати ва Лойихачининг хисоботи текширилиб, Давлат экспертизаларидан ўтказилиб, аниқланган камчилик ва хатолар, билдирилган эътирозлар бартараф қилиниб ижобий хулосалар олингандан кейин шартнома қиймати доирасида илгари берилган авансни хисобга олган холда якуний тўловни амалга оширади.

**5. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.**

**Лойихачининг мажбуриятлари:**

5.1. Лойихалаш хақидаги топшириққа ва бошқа бошланғич маьлумотларга мувофиқ ишларни бажариш ва натижасини шартномада белгиланган Буюртмачига топшириш мажбуриятларини олади.

5.2. Объекни ЛСХ хужжатлари ва нуқсонлар далолатномаларини тайёрлаб, Буюртмачи билан биргаликда фойдаланиш ташкилотлари (электр тармоқлари корхонаси, водоканал, райгаз, ёнғин хавфсизлиги назорати), тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиб олиш.

5.3. Буюртмачининг розилигисиз ЛСХ хужжатларини учинчи шахсларга бермаслик.

5.4. Тайёрланган ЛСХ хужжатлари асосида учинчи шахсларда ишни бажаришга қаршилик қилиш ёки бажаришни чеклаш хуқуқи йўқлигини кафолатлайди.

5.5. Буюртмачи томонидан тақдим қилинган дастлабки ва бирламчи маълумотларни, мухандислик қидирув хулосаларини, Буюртмачининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маьлумотларни ошкор қилмаслик, улардан фақат ушбу шартномадаги предметда фойдаланиш мажбуриятини олади.

5.6. Объектда қурилиш ишлари тўлалигича якунлангандан сўнг, ишчи комиссиясига Лойихачи объектнинг ЛСХ хужжатлари асосида қурилганлиги тўғрисида хулоса тақдим қилиш.

5.7. ЛСХ хужжатларини бир-бирига мутаносиблиги (мос келиши) ва иш хажмларини ишчи чизмаларида берилган иш турлари мослиги ШНК талабларига жавоб беришига лойихачи ташкилоти буюртмачи ва пудратчи олдида жавобгардир.

**Буюртмачининг мажбурияти:**

5.8. Лойихачидан олинган ЛСХ хужжатларидан фақат мазкур шартномада назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланиш, ЛҚИ хужжатларини Лойихачининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маьлумотларни ошкор қилмаслик.

5.9. Шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда шартномани 1.1-бандида назарда тутилган ишларни қабул қилиб олиш ва бажарганлик учун Лойихачига хақ тўлаш.

5.10. Лойихачига лойиха ишларини бажаришда ушбу шартномада назарда тутилган хажмда ва шартларда хизмат кўрсатиш.

5.11. Тайёр бўлган ЛСХ хужжатларини тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини - ўзи бошқариш органлари билан келишиб олишда Лойихачи билан бирга қатнашиш.

5.12. Лойихачига боғлиқ бўлмаган холатлар сабабли лойиха ишларини бажариш учун бошланғич маълумотлар ўзгариши билан боғлиқ қўшимча харажатларни Лойихачига тўлаш.

5.13. Тайёрланган ЛСХ хужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан қўзғатилган даьво юзасидан ишга қатнашишга Лойихачини жалб қилиш.

5.14. Лойихачининг хуқуқлари:

- ЛСХ хужжатларини ишлаб чиқиш жараёнида зарурат бўлса айрим махсус қисмларини бажариш учун ёрдамчи (субподрядчикларни) жалб қилишга хақлидир.

**6. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби**

6.1. Бажарилган ишларни бахолаш ва қабул қилиб олиш техник топшириқ талаблари асосида календар жадвал бўйича амалга оширилади.

6.2. Лойихачи томонидан топшириладиган ва расмийлаштириладиган хужжатлар руйхати техник топширикда аникланади.

6.3. Лойихачи ишларни бажариб бўлгач, Буюртмачига техник топшириқда кўрсатилганидек топшириш - қабул қилиш далолатномаси билан биргаликда илова қилиб битта электрон вариант ва 3та нусхада хужжатлар комплектини хисобот билан тақдим этади.

6.4. Буюртмачи мазкур шартномада кўрсатилганидек, топшириш - қабул қилиш далолатномасини ва хисобот хужжатлари бажарилган ишларни 5 кун мобайнида қабул қилиш мажбуриятини олади ва Лойихачига имзоланган, ёки асосли эътироз билдирилган топшириш-қабул қилиш далолатномасини жўнатади.

6.5. Бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиш давомида буюртмачининг асосли эътирози бўлса, камчиликларнинг рўйхати ва уларни бартараф этишнинг аниқ муддатини белгиловчи икки томонлама далолатнома тузилади.

6.6. Агар ишларни бажариш жараёнида, кейинчалик уни давом эттириш мақсадга мувофик эмаслиги маълум бўлиб қолса, томонлар 5 кун мобайнида бир-бирларини ишлар тўхтатилганлиги хақида хабардор қилишлари шарт ва 10 кун мобайнида ишларни давом эттириш учун мақсадга мувофиқ бўлган йўналишларини ойдинлаштирувчи масалаларни кўриб чиқишлари керак. Ишлар тўхтатилган холларда томонлар учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган мажбуриятлар юкланади.

6.7.Ўзаро хисоб-китоблар қилишнинг муддати келганлиги, томонларнинг бири мазкур шартномадаги ишларни тўхтатиш хақидаги ёзма хабарнома берган санадан хисобланади.

6.8. Бажарилган ишлар (босқичлар)да камчилик ва нуқсонлар аниқланганда лойихачи уларни беғараз бартараф этади.

6.9. Агар Лойихачи ўтган босқич учун хисобот бермаса, кейинги босқич учун молиялаштириш ишлари бажарилмайди.

**7. Тарафларнинг жавобгарлиги.**

7.1. Лойихачи ЛСХ хужжатларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган ЛСХ хужжатлари маълумотлари асосида барпо этилган обьектдан фойдаланиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгардир ва камчиликларни бартараф қилиш учун қилинган харажатларни қоплайди.

7.2. ЛСХ хужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда, Лойихачи Буюртмачининг талаби билан 10 кун муддатда ЛСХ хужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва бунинг оқибатида келтирилган зарарни тўлаши шарт.

7.3. Томонларнинг мажбуриятларини бажармаганлиги ёки етарли даражада бажармаганликлари учун жавобгарликлари Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хуқуқий базаси тўғрисидаги» қонунга, хамда Ўзбекистон Республикаси Фуқоралик кодексига асосан белгиланади.

7.4. Лойихачи томонидан бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар муддати кечиктирилганда Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

7.5. Пенянинг тўланганлиги ва зарарнинг қопланганлиги тарафларни ўз мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

7.6. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ белгиланади.

**8. Бартараф этиб бўлмайдиган куч холати (форс - мажор).**

8.1. Агар томонлар мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолиши табиий ходисалар, харбий харакатлар ва бошқа бартараф этиб бўлмайдиган бошқа кучлар сабабли содир бўлган бўлса, хамда бу холат мазкур шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган бўлса, томонлар мазкур шартнома бўйича мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолгани учун жавобгарликдан озод бўладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларнинг ижро муддати бартараф этиб бўлмайдиган вазият, шунингдек шу вазият келтириб чиқарган оқибат хукм сурган вақтга мос равишда орқага сурилади.

8.2. Агар бартараф этиб бўлмайдиган куч вазияти ёки унинг оқибатлари 3 ойдан ортиқ вақтга чўзиладиган бўлса, Лойихачи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки номаълум вақтга тўхтатиш учун чора-тадбирлар кўришни мухокама қиладилар. Агар томонлар икки ой мобайнида бир тўхтамга кела олмасалар, томонларнинг хар қайсиси шартномани бекор қилинишини талаб қилишга хақлидир.

**9. Қўшимча шартлар**

9.1. Буюртмачи 1.1 - бандда кўрсатилган объектдан ташқари, Лойихачи томонидан тақдим этилган бажарилган иш натижаларидан фойдаланишга хақли эмас, Лойихачи олинган бирламчи маълумотлардан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш хуқуқига эга эмас.

9.2. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган томонларнинг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий - хукукий базаси тугрисида» ги қонунига, хамда Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексига асосан белгиланади.

**10. Шартноманинг амал қилиш муддати ва шартлари**

10.1. Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва унинг шартлари тўлиқ бажарилгунча ўз кучида қолади.

10.2. Шартноманинг муддати тугашига қарамай, томонлар жавобгарликдан озод этилмайди.

10.3. Шартноманинг амал килиш муддати 31.12.2022 йилгача.

**11. Бахсларни хал этиш тартиби**

11.1. Шартномани тузиш, ижро этиш, ўзгартириш ва бекор қилиш, шунингдек келтирилган зарарни қоплаш чоғида томонлар ўртасида вужудга келадиган бахслар ўзора мухокама қилиниб келишувга эришиш имконияти бўлмаган тақдирда, қонунчиликда белгиланган тартибда суд томонидан кўриб чиқилади.

**12.Шартномани ўзгартириш ва унга қўшимчалар киритиш тартиби ва бекор қилиш тартиби.**

12.1. Ушбу шартномага хар кандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган такдирда хақиқий хисобланади.

16.2.Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига кўра, етказилган зарарни қоплаш шарти билан йўл қўйилади.

12.3. Лойихачининг айби билан ишларнинг бориши тўхтаб қолса ва ишларнинг тугатилиши шартномада белгиланган муддатдан бир ойдан ошиқ муддатга кечиктирилса, берилган топшириқда назарда тутилган ишлар сифати мавжуд талабларга жавоб бермаса, Буюртмачи шартномани бекор қилишга хақли.

12.4. Лойихачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра лойиха ишлари Буюртмачи томонидан бир ойдан ошиқ муддатга тўхтатилса, Буюртмачи лойихалаш ишларининг хақини тўлаш имкониятига эга бўлмаса, Лойихачи шартномани бекор қилишга хақли.

12.5. Шартномани бекор қилиш хақида қарорга келган томон иккинчи томонга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юборади, иккинчи томон 10 кунгача эътироз билдирмаса шартнома бекор қилинган хисобланади.

**13. Томонларнинг реквизитлари:**

| Буюртмачи: | Лойихачи: |
|---|---|
| "Хоразм минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати" ДУК | "YO'L-LOYIHA BYUROSI" МЧЖ Хоразм филиали |
| Урганч ш. Хива шох кўчаси 1 км | Тошкент ш. Мустакиллик шох кучаси 68-уй |
| Телефон:224-57-13, 224-57-16 | Телефон: +998 91 989 90 01 |
| ш/хр 304521860334017045129118138 | х/р 2020 8000 8040 1094 1001 |
| СТИР 207254393, ИФУТ 70100 | СТИР 300112785 |
| Молия вазирлиги ғазначилиги | ОКОНХ 66000 |
| Ғазна х/в: 2340 2000 300 100 001 010 | БАНК: АКИБ «Ипотека-Банк» Яшнобод булими |
| Марказий банк Тошкент шахар ХККМ | МФО 00959 |
| МФО 00014 СТИР 201 122 919 | |
| Директор________________ Р.Рўзимов | Директор:________________ Б.Машарипов |
| Буюртмачи юристи:________________Х.Кушчанов | |

2022 йил «15» апрелдаги
№-Л-5-сонли шартномага 1-илова

“Урганч шахар Шодлик МФЙ А.Ибрагимов кучаси,Сохил (А.Ибрагимов) 4-5-6 йулак кучаси,Сохил (А.Ибрагимов) кучаларини богловчи,Махтумкули 2-йулак,Э.Рахимов 1-2- йулак,Э.Рахимов,кадрият,кучалари ички хужалик йулини жорий таъмирлаш”

**бўйича лойиха ишларини бажариш**

**Г Р А Ф И Г И**

| № | Объект номи ва манзили | Ишлар тури | Ишлар қиймати жами, минг сум | шу жумладан 2022 йил | | қурилиш давомида |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Апрел | май | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
| 1 | “Урганч шахар Шодлик МФЙ А.Ибрагимов кучаси,Сохил (А.Ибрагимов) 4-5-6 йулак кучаси,Сохил (А.Ибрагимов) кучаларини богловчи,Махтумкули 2-йулак,Э.Рахимов 1-2-йулак,Э.Рахимов,кадрият,кучалари ички хужалик йулини жорий таъмирлаш” | Лойиха-смета ишлари | 48 500,000 | 36 375,000 | 12 125,000 | - |
| | ЖАМИ: | | 48 500,000 | 36 375,000 | 12 125,000 | - |

**Буюртмачи** **Лойихачи**

Буюртмачи - “Хоразм минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” Давлат унитар корхонаси билан Лойихачи - "YO’L-LOYIHA BYUROSI" МЧЖ Хоразм филиали директори Б.Машарипов ўртасида “Урганч шахар Шодлик МФЙ А.Ибрагимов кучаси,Сохил (А.Ибрагимов) 4-5-6 йулак кучаси,Сохил (А.Ибрагимов) кучаларини богловчи,Махтумкули 2-йулак,Э.Рахимов 1-2-йулак,Э.Рахимов,кадрият,кучалари ички хужалик йулини жорий таъмирлаш” объектига лойиха-смета хужатларини ишлаб чиқишга доир шартнома лойиҳаси юзасидан корхона хуқуқшуноси Х.Кушчанов томонидан Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунининг 21-моддаси талабларидан келиб чиқиб

## Х У Л О С А

Шартнома лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси 2003 йил 16 сентябрда кабул килган «Капитал курилишда хужалик муносабатлари механизмини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги 395-сонли Карори ва бошка конун хужжатларига мувофик тайёрланган. Шартнома лойихасининг шартлари, хусусан шартнома мавзуси, тарафларнинг хукуклари ва мажбуриятлари, ҳисоб-китоблар тартиби, тарафларнинг жавобгарлиги, низоларни хал этиш тартиби, форс-мажор холатлари ва жавобгарликдан озод этиш масалалари конун хужжатлари талабларига мос келади.

Корхона юристи _______________ Х.Кушчанов
2022 йил

2022 йил «15» апрелдаги
№-Л-5-сонли шартномага 2 -илова

ИШЛАРНИ БАЖАРИШ КИЙМАТИНИ АНИКЛАШ
ВА КЕЛИШИШ ДАЛОЛАТНОМАСИ

Урганч шахри 2022 йил «15» апрель

«Буюртмачи» "Хоразм минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати" Давлат унитар корхонаси номидан Низом асосида иш юритувчи директор Р.Рўзимов ва «Лойихачи» - "YO'L-LOYIHA BYUROSI" МЧЖ Хоразм филиали номидан Устав асосида иш юритувчи директор Б.Машарипов, "Урганч шахар Шодлик МФЙ А.Ибрагимов кучаси,Сохил (А.Ибрагимов) 4-5-6 йулак кучаси,Сохил (А.Ибрагимов) кучаларини богловчи,Махтумкули 2-йулак,Э.Рахимов 1-2- йулак,Э.Рахимов,кадрият,кучалари ички хужалик йулини жорий таъмирлаш" объекти бўйича лойиха-смета хужатларини ишлаб чиқиш қийматини келишиш тўғрисида ушбу далолатномани туздилар:

*1. ЛСХни ишлаб чиқариш қийматини аниқлаш ва келишиш:*
Объектнинг ҚМИ бахоси ҚҚС билан - 3 055 105,0 минг.сўм;
Лойиха-қидирув ишлари қийматини аниқлаш тўғрисидаги Низомнинг 4-иловаси 5-устунига асосан ишчи лойихани ишлаб чиқиш қиймати даражаси - 2,71 %;
камайтириш қиймати (келишилган) - 0,6;
низомни 2-чи иловаси 4-чи каторига асосан киймати (купайтириш) - 1,0:
Хисобланган қиймат = 3 055 105,0 x 2,71% x 0,6 x 1,0 = 49 676,007 минг.сўм;
***Келишилган қиймат барча солиқлар билан - 48 500,000 (кирк саккиз миллион беш юз минг) сўм.***

Ушбу қиймат шартнома тузиш ва хисоб китоб қилиш учун аниқланди ва келишилди.

Лойихачи:
М.Ў.

Буюртмачи:
М.Ў.

"ТАСДИКЛАЙМАН"
Хоразм вилояти хокимининг
ўринбосари.
____________Б.Ш.Курбанов
"___"_________ 2022 й.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98 сонли ва 18 мартдаги ПҚ-172-сонли қарорларига асосан Хоразм вилоятида "Обод қишлоқ" "Обод маҳалла" дастурлари доирасидаги ички хўжалик йўлларини жорий таъмирлаш ишларига Республикасининг бюджетидан ажратилган маблағлари хисобидан 2022 йил учун дастлабки

# М А Н З И Л Л И Й Р Ў Й Х А Т И

| № | № | Объектлар номи, жойлашуви ва адрес руйхатига киритилиши буйича асос | Қурилиш ишлари бошланиши ва тугаш йили | Лойиҳавий қуввати ( мос кийматларда) | Қурилишнинг пудрат шартномаси тузилган вақтдаги умумий қиймати, шу жумладан буюртмачи харажатлари | 01.01.2021 й холатига қурилишнинг колдиқ қиймати, шу жумладан буюртмачининг харажатлари | 01.01.2021 й холатига қурилишнинг колдиқ қиймати (қайта хисоблаш буйича) шу жумладан буюртмачининг харажатлари | 01.01.2021 йил ҳолатига таъмирлаш ишларининг ҳисобландан кейинги молиялаштирилиши буйича қолдиқ қиймати, шу жумладан буюртмачининг харажатлари | Капитал қўйилмаларнинг 2022 йилдаги истикболи: Жами капитал қўйилмалар | Шу жумладан: К М И | Шу жумладан: Жиҳозлар | Буюртмачи харажатлари: Жами | Буюртмачи харажатлари: Шу жумладан, буюртмачи саклаш харажати | 2022 йил ишга тушурилиши: Ишга тушириладиган қувват (чорак) | 2022 йил ишга тушурилиши: Асосий фондларнинг ишга туширилиши | Қурилиш тугалланмаган объектларнинг кейинги босқичга холатига колдиқ қиймати, шу жумладан буюртмачи харажатлари | Пудрат шартномасига асосан молиялаштирилиши буйича келгуси йилга ўтказиладиган объектларнинг 01.01.2022 й га қолдиқ қиймати,шу жумладан буюртмачининг | Лойиҳа экспертиза санаси ва № | Тендер савдолари тасдиқланган баённома санаси ва № | Пудратчи қурилиш ташкилоти |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| А | А | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 |
| Вилоят буйича жами, | | | | 319,580 | 0,000<br>0,000 | 0,000<br>0,000 | 0,000<br>0,000 | 0,000<br>0,000 | 100 256 000,000 | 0,000 | 0,000 | 5 012 726,150 | 0,000 | | 0,000 | 0,000<br>0,000 | 0,000<br>0,000 | | | |
| Шу жумладан вилоят буйича жами захира маблағлар | | | | | | | | | 23 308 000,000 | | | | | | | | | | | |
| 1 | | **Урганч шахар** | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1 | 1 | **Урганч шахар Наврўз МФЙ** Машал Хоразм, Навбахор 2-3-4, Олтин воха ,Олтин воха-1-2-3-4 Нуравшон ва Нуравшон 1-2-3-4-5-6 йулак ва боғловчи кўча кўчалар, Шифокорлар 1-2-3-4-5-6 йулак Пахтакор,Янги обод, Камоладдин Бекзод, Олмазор кўчалари ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш | 2022 й | 9,838 | | | | | 2 606 400,000 | | | 130 320,000 | | 9,838<br>2022 й 3-чорак | 0,000 | | | | | Танлов |
| 2. | 2 | **Урганч шахар Наврўз МФЙ** Навруз 1-2 йўлак, Зиёкорлар, Учкун кўчаси,Буюк Турон, кўчалари ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш | 2022 й | 1,585 | | | | | 1 083 600,000 | | | 67 362,500 | | 1,585<br>2022 й 3-чорак | 0,000 | | | | | Танлов |
| 3.. | 3 | **Урганч шахар Шодлик МФЙ** А.Ибрагимов кўчаси, Сохил (А.Ибрагимов) 4-5-6 йўлак кўчаси, Сохил (А.Ибрагимов) кўчаларини боғловчи кўчаси,Махтумқули 2-йўлак,Э.Рахимов 1-2- йўлак, Э.Рахимов,Қадрият, кўчалари ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш | 2022 й | 4,398 | | | | | 1 800 000,000 | | | 160 795,000 | | 4,398<br>2022 й 3-чорак | 0,000 | | | | | Танлов |
| 4. | 4 | **Урганч шахар Шодлик МФЙ** Фаровонлик, Шарк 1-2-3-4-йулаклар, Ойбек тугри кучаса, Ойбек куча 1-2-3 йулаклар, Шалола, кўчалари ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш | 2022 й | 4,955 | | | | | 1 800 000,000 | | | 191 440,000 | | 4,955<br>2022 й 3-чорак | 0,000 | | | | | Танлов |
| Захира мабағлаги | | | | | | | | | 3 356 000,000 | | | | | | | | | | | |
| | | Жами | | 20,776 | 0,000<br>0,000 | 0,000<br>0,000 | 0,000<br>0,000 | 0,000<br>0,000 | 10 646 000,000 | 0,000 | 0,000 | 549 917,500 | 0,000 | | 0,000 | 0,000<br>0,000 | 0,000<br>0,000 | | | |
| 2 | | **Хива шахар** | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 5. | 1 | **Хива шахар Қумяска МФЙ** Э.Инок кучаси,А.Навоий,П.Корий, А.Ўтар , ва Хосиятли кўчалари ички хўжалик йўлини жорий тамирлаш | 2022 й | 3,208 | | | | | 900 000,000 | | | 128 320,000 | | 3,208<br>2022 й 3-чорак | 0,000 | | | | | Танлов |
| 6 | 2. | **Хива шахар Калта Минор МФЙ** Мехнат гули, кўчаси ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш | 2022 й | 1,068 | | | | | 300 000,000 | | | 63 546,000 | | 1,068<br>2022 й 3-чорак | 0,000 | | | | | Танлов |
| 7 | 3. | **Хива шахар Калта Минор МФЙ** Дешон калъа кучаси , Кошона, Янги қадам, кўчалари ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш | 2022 й | 1,258 | | | | | 300 000,000 | | | 74 851,000 | | 1,258<br>2022 й 3-чорак | 0,000 | | | | | Танлов |
| 8 | 4. | **Хива шахар Калта Минор МФЙ** Ораста кучаси, Кухна арк кучаси, К.Берегин кучаси ва А.Халфа ,кўчалари ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш | 2022 й | 1,259 | | | | | 300 000,000 | | | 74 910,500 | | 1,259<br>2022 й 3-чорак | 0,000 | | | | | Танлов |
| 9 | 5. | **Хива шахар Калта Минор МФЙ** Зебузар кучаси,Каштачилар, Шохимардон, Мустақиллик, кўчалари ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш | 2022 й | 1,254 | | | | | 450 000,000 | | | 74 613,000 | | 1,254<br>2022 й 3-чорак | 0,000 | | | | | Танлов |
| Захира мабағлаги | | | | | | | | | 2 868 000,000 | | | | | | | | | | | |
| | | Жами | | 8,047 | 0,000<br>0,000 | 0,000<br>0,000 | 0,000<br>0,000 | 0,000<br>0,000 | 5 118 000,000 | 0,000 | 0,000 | 416 240,500 | 0,000 | | 0,000 | 0,000<br>0,000 | 0,000<br>0,000 | | | |

| № | № | Объектлар номи, жойлашуви ва адрес руйхатига киритилиши буйича асос | курилиш ишлари бошланиши ва тугаш йили | Лойихавий куввати ( мос киймматларда) | Курилишнинг пудрат шартномаси тузилган вактдаги умумий киймати, шу жумладан буюртмачи харажатлари | 01.01.2021 й холатига курилишнинг колдик киймати, шу жумладан буюртмачининг харажатлари | 01.01.2021 й холатига курилишнинг колдик киймати (кайта хисоблаш буйича) шу жумладан буюртмачининг харажатлари | 01.01.2021 йил холатига таъмирлаш ишларининг хисоблашдан кейинги молиялаштирилиш буйича колдик қиймати, шу жумладан буюртмачининг харажатлари | Капитал қўйилмаларнинг 2022 йилдаги истикболи: Жами капитал қуйилмалар | Шу жумладан: К М И | Шу жумладан: Жиҳозлар | Буюртмачи харажатлари: Жами | Буюртмачи харажатлари: Шу жумладан, буюртмачи саклаш харажати | 2022 йил ишга тушурилиши: Ишга тушириладиган кувват (чорак) | 2022 йил ишга тушурилиши: Асосий фондларнинг ишга туширилиши | Курилиш тугалланмаган объектларнинг кейинги боскичга холатига колдик киймати, шу жумладан буюртмачи харажатлари | Пудрат шартномасига асосан молиялаштирилиши буйича келгуси йилга ўтказиладиган объектларнинг 01.01.2022 й га қолдиқ қиймати,шу жумладан буюртмачининг | Лойиха экспертиза санаси ва № | Тендер савдолари тасдикланган баённома санаси ва № | Пудратчи курилиш ташкилоти |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| A | A | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 |
| 3 | | **Богот тумани** | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 10 | 1 | **Богот тумани Тозабозор МФЙ** Елкадош ва Олтинкум кўчалари ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш | 2022 й | 4,770 | | | | | 600 000,000 | | | 54 139,500 | | 4,770<br>2022 й 3-чорак | 0,000 | | | | | Танлов |
| 11 | 2 | **Богот тумани Тозабозор МФЙ** Қўнғирот,Баликчилар, Тозабозор, кўчалари ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш | 2022 й | 5,809 | | | | | 600 000,000 | | | 65 932,150 | | 5,809<br>2022 й 3-чорак | 0,000 | | | | | Танлов |
| 12.. | 3 | **Богот тумани Тозабозор МФЙ** Анорчилар ва Ватан кўчалари ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш | 2022 й | 4,990 | | | | | 750 000,000 | | | 129 520,000 | | 4,990<br>2022 й 3-чорак | 0,000 | | | | | Танлов |
| 13 | 4 | **Богот тумани Ўзбекистон МФЙ** Юрт ёшлари,Ипак йўли, Корачиқ,Мовий уммон,Азим дарё,Сўлим диёр,Чарос, Қайнар булоқ,Халқ бахти, Жаннатмакон ўлка, Бахор айёми, кўчалари ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш | 2022 й | 6,495 | | | | | 500 000,000 | | | 73 718,250 | | 6,495<br>2022 й 3-чорак | 0,000 | | | | | Танлов |
| 14 | 5 | **Богот тумани Ўзбекистон МФЙ** Тумор,Нодир, М.Хоразмий,Мехмондўст,Қизилгул,Меърос, кўчалари ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш | 2022 й | 6,010 | | | | | 500 000,000 | | | 79 335,000 | | 6,010<br>2022 й 3-чорак | 0,000 | | | | | Танлов |
| 15 | 6 | **Богот тумани Ўзбекистон МФЙ** Яшнар бахор, Хаёт завқи, Ёнғоқзор,Хаёт гулшани,Хумо қуши,Мўътабар,Бекватан,Мустақил хаёт кўчалари ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш | 2022 й | 4,356 | | | | | 500 000,000 | | | 49 440,600 | | 4,356<br>2022 й 3-чорак | 0,000 | | | | | Танлов |
| 16.. | 7 | **Богот тумани Ўзбекистон МФЙ** Узумзор ва З.М.Бобур кўчалари ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш | 2022 й | 3,300 | | | | | 450 000,000 | | | 68 400,000 | | 3,300<br>2022 й 3-чорак | 0,000 | | | | | Танлов |
| | | **Захира мабаблаги** | | | | | | | 2 246 000,000 | | | | | | | | | | | |
| | | **Жами** | | 35,730 | 0,000<br>0,000 | 0,000<br>0,000 | 0,000<br>0,000 | 0,000<br>0,000 | 6 146 000,000 | 0,000 | 0,000 | 520 485,500 | 0,000 | | 0,000 | 0,000<br>0,000 | 0,000<br>0,000 | | | |
| 4 | | **Гурлан тумани** | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 17 | 1 | **Гурлан тумани Бўзқалъа МФЙ** Қахрамон,Истиклол,Тинчлик, Зафар, Мустақиллик,Бог , Богишамол, Нурли, кўчалари ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш | 2022 й | 6,692 | | | | | 800 000,000 | | | 73 612,000 | | 6,692<br>2022 й 3-чорак | 0,000 | | | | | Танлов |
| 18.. | 2 | **Гурлан тумани Бўзқалъа МФЙ** Қоракўз кўчаси (Дўстлик) ва Бўзқалъа кўчалари ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш | 2022 й | 2,725 | | | | | 850 000,000 | | | 66 065,000 | | 2,725<br>2022 й 3-чорак | 0,000 | | | | | Танлов |
| 19 | 3 | **Гурлан тумани Беш уй МФЙ** Улугбек, Навоий ,Хақиқат ,Янги мавзе , Ўзбекистон- 2-3-4-5-6-7кўчалари ва Қабристон йули, кўчалари ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш | 2022 й | 5,204 | | | | | 900 000,000 | | | 57 244,000 | | 5,204<br>2022 й 3-чорак | 0,000 | | | | | Танлов |
| 20. | 4 | **Гурлан тумани Беш уй МФЙ** Ўзбекистон кўчаси 1 йулак кўчаси ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш | 2022 й | 1,285 | | | | | 900 000,000 | | | 44 846,500 | | 1,285<br>2022 й 3-чорак | 0,000 | | | | | Танлов |
| | | **Захира мабаблаги** | | | | | | | 2 246 000,000 | | | | | | | | | | | |
| | | **Жами** | | 15,906 | 0,000<br>0,000 | 0,000<br>0,000 | 0,000<br>0,000 | 0,000<br>0,000 | 5 696 000,000 | 0,000 | 0,000 | 241 767,500 | 0,000 | | 0,000 | 0,000<br>0,000 | 0,000<br>0,000 | | | |
| 5 | | **Кўшкўпир тумани** | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 21 | 1 | **Кўшкўпир тумани Кўктом МФЙ** Буюк турон, Янги йўл, Ўзбегим, Олтинкўл, Қуёшли замин , Хоразм юлдузи, кўчалари ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш | 2022 й | 7,935 | | | | | 2 000 000,000 | | | 81 730,500 | | 7,935<br>2022 й 3-чорак | 0,000 | | | | | Танлов |
| 22.. | 2 | **Кўшкўпир тумани Кўктом МФЙ** Баркамоллик,Обод юрт,Хон йўли, Куктом 1-йўлак, Куктом 2-йўлак, Куктом 3-йўлак, Куктом 4-йўлак, Куктом 5-йўлак, кўчалари ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш | 2022 й | 6,271 | | | | | 1 594 000,000 | | | 93 010,000 | | 6,271<br>2022 й 3-чорак | 0,000 | | | | | Танлов |

| № | № | Объектлар номи, жойлашуви ва адрес руйхатига киритилиши буйича асос | Қурилиш ишлари бошланиши ва тугаш йили | Лойиҳавий қуввати (мос қийматларда) | Қурилишнинг пудрат шартномаси тузилган вақтдаги умумий қиймати, шу жумладан буюртмачи харажатлари | 01.01.2021 й холатига қурилишнинг қолдиқ қиймати, шу жумладан буюртмачининг харажатлари | 01.01.2021 й холатига қурилишнинг қолдиқ қиймати (қайта хисоблаш буйича) шу жумладан буюртмачининг харажатлари | 01.01.2021 йил холатига таъмирлаш ишларининг ҳисобланган кейинги молиялаштирилиш буйича қолдиқ қиймати, шу жумладан буюртмачининг харажатлари | Капитал қўйилмаларнинг 2022 йилдаги истиқболи: Жами капитал қуйилмалар | Шу жумладан: К М И | Шу жумладан: Жиҳозлар | Буюртмачи харажатлари: Жами | Буюртмачи харажатлари: Шу жумладан, буюртмачи саклаш харажати | 2022 йил ишга тушурилиши: Ишга тушириладиган қувват (чорак) | 2022 йил ишга тушурилиши: Асосий фондларнинг ишга туширилиши | Қурилиш тугалланмаган объектларнинг кейинги боскичга холатига қолдиқ қиймати, шу жумладан буюртмачи харажатлари | Пудрат шартномасига асосан молиялаштирилиши буйича келгуси йилга ўтказиладиган объектларнинг 01.01.2022 й га қолдиқ қиймати,шу жумладан буюртмачининг | Лойиҳа экспертиза санаси ва № | Тендер савдолари тасдиқланган баённома санаси ва № | Пудратчи қурилиш ташкилоти |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| А | А | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 |
| 23 | 3 | **Қўшкўпир тумани Мехнатобод МФЙ** Севинч ва Самарканд кўчалари ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш | 2022 й | 4,817 | | | | | 1 000 000,000 | | | 51 850,000 | | 4,817<br>2022 й<br>3-чорак | 0,000 | | | | | Танлов |
| 24.. | 4 | **Қўшкўпир тумани Мехнатобод МФЙ** Турон замин ва Олмазор кўчалари ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш | 2022 й | 8,537 | | | | | 1 846 000,000 | | | 144 900,000 | | 8,537<br>2022 й<br>3-чорак | 0,000 | | | | | Танлов |
| Захира мабалағи | | | | | | | | | 1 050 000,000 | | | | | | | | | | | |
| | | Жами | | 27,560 | 0,000<br>0,000 | 0,000<br>0,000 | 0,000<br>0,000 | 0,000<br>0,000 | 7 490 000,000 | 0,000 | 0,000 | 371 490,500 | 0,000 | | 0,000 | 0,000<br>0,000 | 0,000<br>0,000 | | | |
| 6 | | **Урганч тумани** | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 25 | 1 | **Урганч тумани Анжирчи МФЙ** Фаргона , Жаннатмакон ва боғловчи кўчалари ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш | 2022 й | 5,402 | | | | | 921 000,000 | | | 46 457,200 | | 5,402<br>2022 й<br>3-чорак | 0,000 | | | | | Танлов |
| 26.. | 2 | **Урганч тумани Анжирчи МФЙ** Мозий, Анжирчи кўчаси ва Анжирчи 1, 2,3,4, йулак кўчалари ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш | 2022 й | 8,415 | | | | | 2 000 000,000 | | | 136 330,000 | | 8,415<br>2022 й<br>3-чорак | 0,000 | | | | | Танлов |
| 27 | 3 | **Урганч тумани Қўнғирот МФЙ** Барака, Зиёнур,Ахиллик,Буюк юрт,Биллур 6-7- йулак, Мухташам ва Вафолик кўчаларини боғловчи кучаси, Файз ва Муножат кўчаси,Вафолик, Дадиллик,Дадиллик 1,3,4 йулак,Шиддат, Бархаёт кучаси,Бархаёт 2-йўлак,Бархаёт 4-йулак, Янги куча, кўчалари ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш | 2022 й | 8,308 | | | | | 1 900 000,000 | | | 83 650,000 | | 8,308<br>2022 й<br>3-чорак | 0,000 | | | | | Танлов |
| 28.. | 4 | **Урганч тумани Қўнғирот МФЙ** Биллур, Биллур 10-12-13 йўлак. Бюук зомон, Буюук Замон кучасини боғловчи кўчалари ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш | 2022 й | 2,746 | | | | | 796 000,000 | | | 66 620,000 | | 2,746<br>2022 й<br>3-чорак | 0,000 | | | | | Танлов |
| Захира мабалағи | | | | | | | | | 1 798 000,000 | | | | | | | | | | | |
| | | Жами | | 24,871 | 0,000<br>0,000 | 0,000<br>0,000 | 0,000<br>0,000 | 0,000<br>0,000 | 7 415 000,000 | 0,000 | 0,000 | 333 057,200 | 0,000 | | 0,000 | 0,000<br>0,000 | 0,000<br>0,000 | | | |
| 7 | | **Хазарасп тумани** | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 29 | 1 | **Хазорасп тумани Қиртепа МФЙ** Бобошо кўчалари ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш | 2022 й | 7,706 | | | | | 1 200 000,000 | | | 88 619,000 | | 7,706<br>2022 й<br>3-чорак | 0,000 | | | | | Танлов |
| 30 | 2 | **Хазорасп тумани Қиртепа МФЙ** Севинч, ва Замин кўчалари ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш | 2022 й | 7,418 | | | | | 1 146 000,000 | | | 85 307,000 | | 7,418<br>2022 й<br>3-чорак | 0,000 | | | | | Танлов |
| 31.. | 3 | **Хазорасп тумани Қиртепа МФЙ** Шарқ юлдузи,Боғишамол кўчаси,Катта равок кўчаси, кўчалари ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш | 2022 й | 1,515 | | | | | 500 000,000 | | | 49 545,000 | | 1,515<br>2022 й<br>3-чорак | 0,000 | | | | | Танлов |
| 32 | 4 | **Хазорасп тумани Гулзор МФЙ** Зиёкорлар, Тинчлик,12 нарвон,Гулзор,Эски Хива йўли кўчаси, кўчалари ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш | 2022 й | 6,021 | | | | | 1 744 000,000 | | | 72 900,000 | | 6,021<br>2022 й<br>3-чорак | 0,000 | | | | | Танлов |
| 33.. | 5 | **Хазорасп тумани Гулзор МФЙ** Гулистон кўчаси ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш | 2022 й | 7,125 | | | | | 2 000 000,000 | | | 123 460,000 | | 7,125<br>2022 й<br>3-чорак | 0,000 | | | | | Танлов |
| Захира мабалағи | | | | | | | | | 1 798 000,000 | | | | | | | | | | | |
| | | Жами | | 29,785 | 0,000<br>0,000 | 0,000<br>0,000 | 0,000<br>0,000 | 0,000<br>0,000 | 8 388 000,000 | 0,000 | 0,000 | 419 831,000 | 0,000 | | 0,000 | 0,000<br>0,000 | 0,000<br>0,000 | | | |
| 8 | | **Хива тумани** | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 34 | 1 | **Хива тумани Варағзон МФЙ** Хазина,Зироат,Мевазор, Камалак Эл кўчалари ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш | 2022 й | 7,484 | | | | | 1 400 000,000 | | | 82 605,000 | | 7,484<br>2022 й<br>3-чорак | 0,000 | | | | | Танлов |

| № | № | Объектлар номи, жойлашуви ва адрес руйхатига киритилиши буйича асос | курилиш ишлари бошланиши ва тугаш йили | Лойихавий куввати ( мос къйматларда) | Курилишнинг пудрат шартномаси тузилган вактдаги умумий киймати, шу жумладан буюртмачи харажатлари | 01.01.2021 й холатига курилишнинг колдик киймати, шу жумладан буюртмачининг харажатлари | 01.01.2021 й холатига курилишнинг колдик киймати (кайта хисоблаш буйича) шу жумладан буюртмачининг харажатлари | 01.01.2021 йил холатига таъмирлаш ишларининг хисобланидан кейинги молиялаштирилиш буйича колдик киймати, шу жумладан буюртмачининг харажатлари | Капитал кўйилмаларнинг 2022 йилдаги истикболи: Жами капитал куйилмалар | Шу жумладан: К М И | Жихозлар | Буюртмачи харажатлари: Жами | Шу жумладан, буюртмачи саклаш харажати | 2022 йил ишга тушурилиши: Ишга тушириладиган куват (чорак) | Асосий фондларнинг ишга туширилиши | Курилиш тугалланмаган объектларнинг кейинги боскичга холатига колдик киймати, шу жумладан буюртмачи харажатлари | Пудрат шартномасига асосан молиялаштирилиши буйича келгуси йилга ўтказиладиган объектларнинг 01.01.2022 й га колдик киймати,шу жумладан буюртмачининг | Лойиха экспертиза санаси ва № | Тендер савдолари тасдикланган баённома санаси ва № | Пудратчи курилиш ташкилоти |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| А | А | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 |
| 35.. | 2 | **Хива тумани Варағзон МФЙ** Ж.Румий ва Бахт қомуси кўчалари ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш | 2022 й | 2,475 | | | | | 1 821 000,000 | | | 66 415,000 | | 2,475<br>2022 й 3-чорак | 0,000 | | | | | Танлов |
| 36 | 3 | **Хива тумани Бўстон МФЙ** Зиёкор, Файзли Эл ва Шайх Мухаммад Хос қабристонига олиб борувчи кўча кўчалари ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш | 2022 й | 7,766 | | | | | 1 300 000,000 | | | 84 261,100 | | 7,766<br>2022 й 3-чорак | 0,000 | | | | | Танлов |
| 37.. | 4 | **Хива тумани Бўстон МФЙ** Мустақиллик тонги кўчаси, Жасорат,Иттифок, кўчалари ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш | 2022 й | 10,451 | | | | | 1 696 000,000 | | | 143 925,000 | | 10,451<br>2022 й 3-чорак | 0,000 | | | | | Танлов |
| | | **Захира мабалаги** | | | | | | | 1 050 000,000 | | | | | | | | | | | |
| | | **Жами** | | 28,176 | 0,000<br>0,000 | 0,000<br>0,000 | 0,000<br>0,000 | 0,000<br>0,000 | 7 267 000,000 | 0,000 | 0,000 | 377 206,100 | 0,000 | | 0,000 | 0,000<br>0,000 | 0,000<br>0,000 | | | |
| **9** | | **Хонка тумани** | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 38 | 1 | **Хонқа тумани Янги турмуш МФЙ** Гулрух,Каракўл, Зийнатли, Буюк ипак йўли кўчаси,Дилкаш ,кўчалари ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш | 2022 й | 8,786 | | | | | 1 000 000,000 | | | 81 270,500 | | 8,786<br>2022 й 3-чорак | 0,000 | | | | | Танлов |
| 39 | 2 | **Хонқа тумани Янги турмуш МФЙ** Ёркин юлдуз, Хамжихатлик, Ширин Хаёт,Афсонавий,Абул Хасан бобо кабристон йўли,Кулим хожи бобо қабристони йўл,Норижонбува қабристони йўли, Иморат бува кабристони йўли, кўчалари ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш | 2022 й | 8,363 | | | | | 1 000 000,000 | | | 77 357,750 | | 8,363<br>2022 й 3-чорак | 0,000 | | | | | Танлов |
| 40.. | 3 | **Хонқа тумани Янги турмуш МФЙ** Нурли йўл кўчаси,ва Барака, кўчалари ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш | 2022 й | 5,539 | | | | | 996 000,000 | | | 84 465,000 | | 5,539<br>2022 й 3-чорак | 0,000 | | | | | Танлов |
| 41.. | 4 | **Хонқа тумани Маданият МФЙ** Э.Вохидов, Камалак, А.Беруний, А.Хоразмий,Мустақиллик,Фузулий,Маданият, Шахидбобо қабристонига олиб борувчи кўча, Марифат, А.Темур кўчаси (Санер), Баркамол Авлод кўчаси, кўчалари ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш | 2022 й | 8,381 | | | | | 2 846 000,000 | | | 102 915,000 | | 8,381<br>2022 й 3-чорак | 0,000 | | | | | Танлов |
| | | **Захира мабалаги** | | | | | | | 1 050 000,000 | | | | | | | | | | | |
| | | **Жами** | | 31,069 | 0,000<br>0,000 | 0,000<br>0,000 | 0,000<br>0,000 | 0,000<br>0,000 | 6 892 000,000 | 0,000 | 0,000 | 346 008,250 | 0,000 | | 0,000 | 0,000<br>0,000 | 0,000<br>0,000 | | | |
| **10** | | **Шовот тумани** | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 42.. | 1 | **Шовот туман Кўшкўпир МФЙ** Махтукули,Бухоро, Ж.Мангуберди ,Маданият,Шодлик, Ш. Рашидов , кўчалари ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш | 2022 й | 5,166 | | | | | 1 800 000,000 | | | 74 255,000 | | 5,166<br>2022 й 3-чорак | 0,000 | | | | | Танлов |
| 43 | 2 | **Шовот туман Кўшкўпир МФЙ** Обод, Кенагас, Алпомиш,Ибн Сино,Мирзо Улугбек, кўчалари ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш | 2022 й | 4,223 | | | | | 1 196 000,000 | | | 43 496,900 | | 4,223<br>2022 й 3-чорак | 0,000 | | | | | Танлов |
| 44.. | 3 | **Шовот туман Дўстлик МФЙ** Похловон Мохмуд кўчаси,Ширин,Али кушчи, Бобур, Фаробий, Болчи , кўчалари ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш | 2022 й | 6,055 | | | | | 2 996 000,000 | | | 86 040,000 | | 6,055<br>2022 й 3-чорак | 0,000 | | | | | Танлов |
| | | **Захира мабалаги** | | | | | | | 1 798 000,000 | | | | | | | | | | | |
| | | **Жами** | | 15,444 | 0,000<br>0,000 | 0,000<br>0,000 | 0,000<br>0,000 | 0,000<br>0,000 | 7 790 000,000 | 0,000 | 0,000 | 203 791,900 | 0,000 | | 0,000 | 0,000<br>0,000 | 0,000<br>0,000 | | | |
| **11** | | **Янгиарик тумани** | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 45 | 1 | **Янгиари тумани Янгиер МФЙ** Ёркинлик , Эътикод,Ёгду,Ёгду ва 4н1941 а/йни богловчи йўл (канал бўйи),Ёгду 2-тор, Ёгду 4-тор, Янгилик, Мехнатобод кўчаси ва 1-тор кўча, кўчалари ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш | 2022 й | 4,464 | | | | | 1 000 000,000 | | | 40 399,200 | | 4,464<br>2022 й 3-чорак | 0,000 | | | | | Танлов |

| № | № | Объектлар номи, жойлашуви ва адрес руйхатига киритилиши буйича асос | курилиш ишлари бошланиши ва тугаш йили | Лойиҳавий қуввати ( мос қийматларда) | Қурилишнинг пудрат шартномаси тузилган вақтдаги умумий қиймати, шу жумладан буюртмачи харажатлари | 01.01.2021 й холатига қурилишнинг қолдиқ қиймати, шу жумладан буюртмачининг харажатлари | 01.01.2021 й холатига қурилишнинг қолдиқ қиймати (қайта хисоблаш буйича) шу жумладан буюртмачининг харажатлари | 01.01.2021 йил ҳолатига таъмирлаш ишларининг хисоблашдан кейинги молиялаштирилиш буйича қолдиқ қиймати, шу жумладан буюртмачининг харажатлари | Капитал қуйилмаларнинг 2022 йилдаги истикболи: Жами капитал қуйилмалар | Шу жумладан: К М И | Шу жумладан: Жиҳозлар | Буюртмачи харажатлари: Жами | Буюртмачи харажатлари: Шу жумладан, буюртмачи саклаш харажати | 2022 йил ишга туширилиши: Ишга тушириладиган қувват (чорак) | 2022 йил ишга туширилиши: Асосий фондларнинг ишга туширилиши | Қурилиш тугалланмаган объектларнинг кейинги босқичга холатига колдиқ қиймати, шу жумладан буюртмачи харажатлари | Пудрат шартномасига асосан молиялаштирилиши буйича келгуси йилга ўтказиладиган объектларнинг 01.01.2022 й га қолдиқ қиймати,шу жумладан буюртмачининг | Лойиха экспертиза санаси ва № | Тендер савдолари тасдиқланган баённома санаси ва № | Пудратчи қурилиш ташкилоти |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| А | А | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 |
| 46.. | 2 | **Янгиариқ тумани Янгиер МФЙ** Шоликор ва Шолокор 1-2-3-4 тор, кўчасилари, Шоликор 6-тор, Шоликор 7-8-9-тор кўчалари, Шоликор 10-11-12-13-14 тор кўчалари, Шоликор 5-тор ва 4к956 а/й боғловчи, Шоликор 6-тор ва 11-торни боғловчи,Шоликор 5-тор ва 13-торни боғловчи,Шоликор 5-тор ва 6-торни боғловчи, кўчалари ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш | 2022 й | 4,200 | | | | | 2 744 000,000 | | | 63 070,000 | | 4,200<br>2022 й 3-чорак | 0,000 | | | | | Танлов |
| 47 | 3 | **Янгиариқ тумани Шихбоғи МФЙ** Уч ховли, Уч ховли 1-тор,Уч ховли 2-тор, Шихбоғи ,Шихбоғи 1-тор, Полвонлар 1-тор кучаси, Бустон обод 1-тор кучаси, кўчалари ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш | 2022 й | 6,872 | | | | | 1 200 000,000 | | | 62 191,600 | | 6,872<br>2022 й 3-чорак | 0,000 | | | | | Танлов |
| 48.. | 4 | **Янгиариқ тумани Шихбоғи МФЙ** Илинч, Иззат икром, Иззат икром 1-2-тор, кўчалари ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш | 2022 й | 4,195 | | | | | 1 500 000,000 | | | 85 200,000 | | 4,195<br>2022 й 3-чорак | 0,000 | | | | | Танлов |
| 49 | 5 | **Янгиариқ тумани Шихбоғи МФЙ** Қабристон йўли,4р 157 а/йўли ва Шихбоғи махалласини боғловчи йўл,4к956 автойўли ва Уч ховли кўчасини боғловчи кўча,Уч ховли 1-тор ва Уч ховли 2-тор кўчасини боғловчи кўча,Уч ховли ва Уч ховли 1 ва 2-тор кўчаларини боғловчи кўчалар, кўчалари ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш | 2022 й | 3,309 | | | | | 894 000,000 | | | 56 640,000 | | 3,309<br>2022 й 3-чорак | 0,000 | | | | | Танлов |
| | | Захира мабалаги | | | | | | | 1 050 000,000 | | | | | | | | | | | |
| | | Жами | | 23,040 | 0,000<br>0,000 | 0,000<br>0,000 | 0,000<br>0,000 | 0,000<br>0,000 | 8 388 000,000 | 0,000 | 0,000 | 307 500,800 | 0,000 | | 0,000 | 0,000<br>0,000 | 0,000<br>0,000 | | | |
| 12 | | **Янгибозор тумани** | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 50 | 1 | **Янгибозор тумани Халқобод МФЙ** Уста Пахтакор,Эзгулик, Дўрман, Китобхон кўчаси, кўчалари ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш | 2022 й | 6,375 | | | | | 1 100 000,000 | | | 73 950,000 | | 6,375<br>2022 й 3-чорак | 0,000 | | | | | Танлов |
| 51.. | 2 | **Янгибозор тумани Халқобод МФЙ** Халқобод кўчаси, Ғурур кўчаси ва Мухандислар кўча, кўчалари ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш | 2022 й | 4,637 | | | | | 1 594 000,000 | | | 84 295,000 | | 4,637<br>2022 й 3-чорак | 0,000 | | | | | Танлов |
| 52 | 3 | **Янгибозор тумани Халқобод МФЙ** Хайрат, Самарқанд,Табиблар, Нурчи, Чордоқ, кўчалари ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш | 2022 й | 4,893 | | | | | 900 000,000 | | | 56 758,800 | | 4,893<br>2022 й 3-чорак | 0,000 | | | | | Танлов |
| 53 | 4. | **Янгибозор тумани Қиёт МФЙ** Камолот, Махсим овул,Янги уй, Махтумкули, Таълим маскани, Усмон кўл ва Отчопарбобо қабристонга олиб борувчи йўли, кўчалари ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш | 2022 й | 4,143 | | | | | 1 444 000,000 | | | 66 700,000 | | 4,143<br>2022 й 3-чорак | 0,000 | | | | | Танлов |
| 54. | 5. | **Янгибозор тумани Қиёт МФЙ** Тўрт чигир, Хосилот,Баҳор,Қиёт, кўчалари ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш | 2022 й | 3,228 | | | | | 1 000 000,000 | | | 80 415,000 | | 3,228<br>2022 й 3-чорак | 0,000 | | | | | Танлов |
| 55 | 6 | **Янгибозор тумани Қиёт МФЙ** Ғайрат овул кўчаси,Гурлан кўчаси, Дармонбобо қабристонга олиб борувчи йўли кўчалари ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш | 2022 й | 5,044 | | | | | 1 000 000,000 | | | 58 510,000 | | 5,044<br>2022 й 3-чорак | 0,000 | | | | | Танлов |
| | | Захира мабалаги | | | | | | | 1 798 000,000 | | | | | | | | | | | |
| | | Жами | | 28,320 | 0,000<br>0,000 | 0,000<br>0,000 | 0,000<br>0,000 | 0,000<br>0,000 | 8 836 000,000 | 0,000 | 0,000 | 420 628,800 | 0,000 | | 0,000 | 0,000<br>0,000 | 0,000<br>0,000 | | | |
| 13 | | **Тупроққала тумани** | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 56.. | 1 | **Тупроққалъа тумани Саяпир МФЙ** Буюк ипак йўли кўчаси, Дўстлик,Тинчлик,Наврўз,Лукмон , Саяпир кўча, кўчалари ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш | 2022 й | 4,563 | | | | | 1 500 000,000 | | | 93 550,000 | | 4,563<br>2022 й 3-чорак | 0,000 | | | | | Танлов |
| 57 | 2 | **Тупроққалъа тумани Саяпир МФЙ** Олмазор, Шодлик, Адолат, Фаровонлик кўчалари ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш | 2022 й | 5,833 | | | | | 1 500 000,000 | | | 82 828,600 | | 5,833<br>2022 й 3-чорак | 0,000 | | | | | Танлов |
| 58 | 3 | **Тупроққалъа тумани Саяпир МФЙ** Нурафшон, Бахт, Обу хаёт кўчалари ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш | 2022 й | 4,952 | | | | | 1 492 000,000 | | | 70 318,400 | | 4,952<br>2022 й 3-чорак | 0,000 | | | | | Танлов |

| № | № | Объектлар номи, жойлашуви ва адрес руйхатига киритилиши буйича асос | қурилиш ишлари бошланиши ва тугаш йили | Лойиҳавий қуввати ( мос қийматларда) | Қурилишнинг пудрат шартномаси тузилган вақтдаги умумий қиймати, шу жумладан буюртмачи харажатлари | 01.01.2021 й холатига қурилишнинг колдиқ қиймати, шу жумладан буюртмачининг харажатлари | 01.01.2021 й холатига қурилишнинг колдиқ қиймати (қайта хисоблаш буйича) шу жумладан буюртмачининг харажатлари | 01.01.2021 йил ҳолатига таъмирлаш ишларининг хисоблашдан кейинги молиялаштирилиш буйича қолдиқ қиймати, шу жумладан буюртмачининг харажатлари | Капитал қўйилмаларнинг 2022 йилдаги истикболи: Жами капитал қуйилмалар | Шу жумладан: К М И | Шу жумладан: Жиҳозлар | Буюртмачи харажатлари: Жами | Буюртмачи харажатлари: Шу жумладан, буюртмачи саклаш харажати | 2022 йил ишга тушурилиши: Ишга тушириладдиган қувват (чорак) | 2022 йил ишга тушурилиши: Асосий фондларнинг ишга туширилиши | Қурилиш тугалланмаган объектларнинг кейинги босқичга холатига колдиқ қиймати, шу жумладан буюртмачи харажатлари | Пудрат шартномасига асосан молиялаштирилиши буйича келгуси йилга ўтказиладиган объектларнинг 01.01.2022 й га қолдиқ қиймати,шу жумладан буюртмачининг | Лойиҳа экспертиза санаси ва № | Тендер савдолари тасдиқланган баённома санаси ва № | Пудратчи қурилиш ташкилоти |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| А | А | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 |
| 59 | 4 | **Тупроққальа тумани Охунбобоев МФЙ** Нуриллар, Буюк ипак йули, Пахтакор,Навруз, Обод. кўчалари ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш | 2022 й | 5,970 | | | | | 1 250 000,000 | | | 84 774,000 | | 5,970<br>2022 й 3-чорак | 0,000 | | | | | Танлов |
| 60 | 5 | **Тупроққальа тумани Охунбобоев МФЙ** Ёркин хаёт ва Истиклол кўчалари ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш | 2022 й | 5,413 | | | | | 1 250 000,000 | | | 76 864,600 | | 5,413<br>2022 й 3-чорак | 0,000 | | | | | Танлов |
| 61.. | 6 | **Тупроққальа тумани Охунбобоев МФЙ** Мустакиллик кўчаси,Ёшлик, Чопон ота, Кангли,Серкуёш, кўчалари ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш | 2022 й | 4,125 | | | | | 1 992 000,000 | | | 96 465,000 | | 4,125<br>2022 й 3-чорак | 0,000 | | | | | Танлов |
| | | Захира мабалағи | | | | | | | 1 200 000,000 | | | | | | | | | | | |
| | | Жами | | 30,856 | 0,000<br>0,000 | 0,000<br>0,000 | 0,000<br>0,000 | 0,000<br>0,000 | 10 184 000,000 | 0,000 | 0,000 | 504 800,600 | 0,000 | | 0,000 | 0,000<br>0,000 | 0,000<br>0,000 | | | |

*ИЗОХ: Обьектларни узунлиги номи ва қийматига ЛСХ ишлаб чикилиб,экспиртиза хулосаларига кўра аниқлиқ киритилади, ва иқтисод қилинган маблағлар вилоят кесимида қайата тақсимланади.*

**"КИРИТИЛДИ"**

**"Хоразм минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати" давлат унитар корхонаси директори.**

**_______________ Р.Рузимов**

**"____"___________2022 й**

**"КЕЛИШИЛДИ"**

**Хоразм вилояти Автомобиль йўллари худудий бошқармаси бошлиғи.**

**_______________Ф.Садуллаев.**

**"____"___________2022 й**

**"КЕЛИШИЛДИ"**

**Хоразм вилояти иқтисодий тараққиёт вакамбағалликни қисқартириш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари.**

**_______________Р.Аллаберганов**

**"____"___________2022 й**

**"КЕЛИШИЛДИ"**

**Хоразм вилояти хокимлиги Молия бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари.**

**_______________А.Рўзметов.**

**"____"___________2021 й**